



"ТАСЛИКЛАЙМАН" Поп туман

Халқ таълим бўлими мудири

А.Хусанпов

17 октябрь 2022 йил

Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли
15-мактабини мукаммал таъмирлаш (хожатхона
қуриш) ишларини бажариш учун ташкилотни танлаш
бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Поп туман Халқ таълим бўлими

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Бажариладиган хизматлар тури	Миқдори
1	ХТБга қарашли 15-мактабини мукаммал таъмирлаш (хржатхона қуриш) хизмати	1

1.2. Танлов климата **201 965 413** (икки юз бир миллион тўққиз юз олтмиш беш минг тўрт юз ўн уч) сўм. Ушбу қийматдан ортик, қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик, танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якуплари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Поп** тумани Халқ таълим бўлими "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Поп шаҳар Истиқлол кўчаси № 6-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоралик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;,-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қом. бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариши билан боғлиқ фаоллик қонучиликлари билан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабдорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қием, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонуни талабларини бузган шахслар қонучиликларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси билан давлат харидлари бўйича қонучиликларида белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.


5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғривлигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонучиликларида белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан

камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари шартларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачисидан агар маққур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг шартларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.



ТЕХНИК ТОПШИРИК

{техническое задание}

Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли
15-мактабини мукамал таъмирлаш (хожатхона
қуриш) ишларини бажариш хизмати
БИОРТМАЧИ: Поп туман Халқ таълим бўлими

Поп тумани-2022

Поп туман Халқ таълими бўлимига карашли 15-мактабини мукамал таъмирлаш (хожатхона қуриш)

Хизмати ишлари буйича

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий талаблар (основные требования)	Асосий маълумот ва талаблар (основная информация и требования)
1.	Бюртмачи (заказчик)	Поп туман Халқ таълими бўлими
2.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	Тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади.
3.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта - сум (сум)
4.	Хизмат кўрсатиш шартлари „ (условия оказания услуг)	Техник топшириқлар миждознинг манзилида амалга оширилиши лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
5.	Етказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги
6.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	бюджет
7.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.